



## ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ ЎЎМКОРЛИГИ ТАШКИЛИЙ-ЎҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

**Ўсаров Садриддин Каримбердиевич**

Ислон Каримоч номидаги Тошкент давлат техника  
университети Олмалик филиали юристи  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13846109>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20- Sentabr 2024 yil  
Ma'qullandi: 24- Sentabr 2024 yil  
Nashr qilindi: 27- Sentabr 2024 yil

### KEY WORDS

ЎҚУҚБУЗАРЛИК,  
ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ, субъектлар,  
ички ишлар органлари, ЎҚУҚНИ  
МУЎОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР,  
ЎМКОРЛИК.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА  
МУАССАСАЛАРНИНГ ЎМКОРЛИГИ ТАШКИЛИЙ-ЎҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ жумладан, ички ишлар органларининг  
ЎҚУҚНИ МУЎОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ билан  
ЎМКОРЛИГИНИНГ ЎҚУҚИЙ тартибга солинганлиги  
уни ташкил этиш тартиби ёритилган.*

Ички ишлар органларининг ЎҚУҚНИ МУЎОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ[1] билан ЎМКОРЛИГИНИНГ асосий белгиларидан бири уларнинг ЎҚУҚИЙ тартибга солинганлигидир. Ички ишлар органларининг ЎҚУҚНИ МУЎОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ билан ЎМКОРЛИГИНИНГ ЎҚУҚИЙ тартибга солинганлиги уни ташкил этиш тартибини мустақамлайди, ЎМКОРЛИККА киришувчи ҳар бир субъектнинг масъулиятини ошириши билан биргаликда уларнинг ЎҚУҚ ва мажбуриятларини ЎҚУҚИЙ кафолатлайди.

Шунинг учун, биз Ички ишлар органларининг ЎҚУҚНИ МУЎОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ билан ЎМКОРЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ЎҚУҚИЙ нормалар ва уларни қўллаш амалиётини илмий-назарий таҳлил қилишимиздан олдин аввало, мазкур субъектлар ўртасидаги ЎҚУҚИЙ асосларни мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб олиш учун уларни тегишли гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиб олишимиз лозим бўлади.

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- г) Ички ишлар вазирлигининг идоравий, шунингдек бошқа ЎҚУҚНИ МУЎОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ билан биргаликда қабул қилган идоралараро норматив-ЎҚУҚИЙ ҳужжатлари;
- е) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД қарорлари.

Конституциянинг нормалари демократик жамиятдаги барча муносабатларни ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг бирламчи асосий манбаи сифатида хизмат қилиши билан ҳар қандай ЎҚУҚҚА

хилоф қилмишнинг олдини олишни таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир гуруҳ қоидалари ўз навбатида жиноятларнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ва уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда асосий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциямизнинг 13-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Мазкур улкан ва шарафли вазифаларни таъминлаш, бошқа давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари қатори Ички ишлар органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳам асосий вазифасидир. Конституциянинг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиши мумкинлиги кафолатлангани ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил қилишга асос яратиб берган бўлса, 58-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига, айни пайтда жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ушбу ҳамкорликнинг аниқ чегарасини белгилаб беради. Конституциямиздан кейинги энг асосий ҳуқуқий асосларимиздан бири бу, Ўзбекистон Республикасизда қабул қилинган қонунлар ҳисобланади. Мисол учун, Давлат солиқ сиёсатини маъмурий ҳудудларда амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда бу соҳада юзага келган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда мақсадида Ички ишлар органлари давлат солиқ инспекция ходимлари билан Ўзбекистон Республикасининг (1997 йил 29 август) “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасига асосан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиги давлат томонидан муҳофаза қилинади ва кафолатланади. Жумладан, Конституциянинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” деб кўрсатиб ўтилган, 40-моддада “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”[2] деб соғлиги ёмонлашганда ва бошқа ҳолларда соғлиқни сақлаш органларига мурожаат этиши ва даволаниши мумкинлиги белгиланган, шу билан бирга мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш давлат томонидан бепул амалга оширилиши таъминланади. Конституцияда кўрсатилган фуқароларнинг тиббиёт соҳасидаги кафолатларини таъминлашда Ички ишлар органлари соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорлик қилишлари ва аҳолининг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишларига ва ўз навбатида қонун нормаларининг бажарилишини амалга оширади. Ҳозирги кунда Президентимиз томонидан ёшларга нисбат катта эътибор қаратилмоқда. Шундай экан Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2008 йил 7 январь қонунининг қабул қилинганлиги, *биринчидан*, жамиятда болалар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш

тизимини белгилаб берган бўлса, *иккинчидан*, бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишни таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Шу билан биргаликда, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, республикамизнинг чегара ҳудудларида мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юзага келган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни ва бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида ва битимларда белгиланган тартибда ўзаро алмашиш мақсадида Ички ишлар органлари божхона комплекслари ва божхона постлари ходимлари билан Ўзбекистон Республикасининг божхона кодекси[3] нормаларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг (1997 йил 29 август) “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасига асосан ҳамкорликни амалга оширади.

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигининг қонун даражасида тартибга солинганлиги бўйича ижтимоий муносабатларни таҳлил қилсак, қуйидаги қонунларнинг объекти доирасида мазкур бўлинмалар ҳамкорлиги амалга оширилишини кузатишимиз мумкин: Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда 2000 йил 25 майдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунлари асосида, айрим фаолиятларни лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш тартибга солинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни билан ушбу бўлинмаларнинг ҳудудда фуқаровий ва хизмат қуролларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, шунингдек пиротехника буюмлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида ҳамкорлиги амалга оширилади.

Ички ишлар органлари томонидан фавқулотда вазиятларда жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаролар муҳофазаси тадбирларини амалга оширишда Прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати ва Божхона органлари билан ҳамкорликлари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуни нормалари билан тартибга солинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни Ички ишлар органлари терроризмга қарши

курашиш, хусусан унинг олдини олиш бўйича фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий манба бўлиб, уларнинг бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигини белгилаб беради. Қонуннинг нормаларига кўра, мазкур бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорлик маъмурий ҳудудларда терроризм ва унинг турли-хил кўринишларига қарши кўрашиш, фуқароларнинг диний ибодат либосида юришини олдини олиш, ички ишлар органларида диний экстремизм оқими хайрихоҳи сифатида ҳисобда турувчи шахслар билан умумий, махсус ва яқка тартибдаги профилактик чоратадбирлар мажмуини қўллаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, Ички ишлар органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бу борадаги ҳамкорлигига ушбу қонуннинг 6-моддасига асосан, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар кўмаклашади ва зарур ёрдам беради.

Ички ишлар органлари ҳудудларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини сифатли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг (2001 йил 29 август) “Прокуратура тўғрисида”ги қонун нормаларига асосан ҳудудий прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Шу билан биргаликда, прокуратура органлари қонуннинг 4-моддасига асосан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар жумладан, Ички ишлар органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш субъекти сифатида айрим процессуал жараёнларда ҳамкорлик қилиши ҳуқуқий кафолатланган.

Ички ишлар органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш[\*], шунингдек, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни билан ҳуқуқий тартибга солинган[4]. Мазкур қонун асосида Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигининг таъминланиши:

*биринчидан*, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари иш жараёни ва эришилган натижаларини кенг оммага ёритишга;

*иккинчидан*, ҳамкорлик йўналишлари бўйича ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлашга;

*учинчидан*, профилактика инспекторларининг процессуал қарорлар ижросини таъминлаш учун масъулиятини оширишга;

*тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш тартибини ҳуқуқий кафолатлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширилиди унга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, унинг ваколат ва вазифалари, мазкур органларнинг ваколатлари ва функциялари такрорланишини бартараф этиш шунингдек, фаолиятида очиқлик ва шаффофлик принциплари янада ислоҳ қилишни назарда тутувчи “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилиши белгиланган[5].

Шу билан биргаликда Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан маъмурий ҳудудий бирликларда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар *умумий, махсус, яккатартибдаги* ва *виктимологик* профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни билан белгиланган[6].

Мазкур қонун профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан ҳамкорлигида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари айнан мазкур бўлинмаларнинг ҳамкорлиги доирасида амалга оширилишини амалиёт натижалари исботлаб бермоқда[7]. Мазкур қонун профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан ҳамкорлигида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари айнан мазкур бўлинмаларнинг ҳамкорлиги доирасида амалга оширилишини амалиёт натижалари исботлаб бермоқда[8].

Жумладан, мазкур қонуннинг нормалари ижросини таъминлаш бўйича маҳаллаларда олиб борилган тарғибот, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан умумий, махсус ва якка тартибда профилактик чора-тадбирлар олиб борилиши, шунингдек ушбу бўлинмалар томонидан фуқароларда “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!” деган тамойилни шакиллантириш йўлида олиб борилган манзилли тадбирлар натижасида Республикадаги 7566та маҳаллаларнинг 103 тасида ёки 14,4 фоизда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган[9].

Шу нуқтаъи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2021-йил 26-мартдаги куни “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”[10]ги **6196-сонли Фармони** қабул қилинди. Бу фармонда “хавфсиз ҳовли” ва “хавфсиз ҳонадон”[11] дастурий комплекс лойиҳаларини яратиш бўйича ҳар бир маҳалланинг ўзига хос

хусусиятларидан келиб чиқиб ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланганлигини таъкишлаш лозим. Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда субъектлар ҳақида гап кетганда, профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорлик ва уларнинг куч ва воситалари муҳим аҳамиятга эга.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳақида таъкидланганда, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни[12] алоҳида ҳуқуқий аҳамиятга эга. Чунки, мазкур қонун ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида қонуннинг 11-моддасига асосан барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиниши ҳуқуқий кафолатланди.

Бундан ташқари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларининг тегишли хизматлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи ходимлари билан Ўзбекистон Республикасининг (2017 йил 3 январь) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун нормаларига асосан ҳамкорликни амалга оширади[13]. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишга хизмат қилувчи қонунларнинг ижросини таъминлаш, бу соҳада фаолият олиб боровчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга ошириш механизмларини яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари ва қарорлари Ички ишлар органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигини белгилаб беради:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2833-сон қарорига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташқил этилди. Унга кўра, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича вазифа ва функциялари мазкур комиссия негизида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2021 йил 26-мартдаги қуни “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”[14]ги **6196-сонли Фармони** қабул қилинди

асосан, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари. Бу фармонга асосан . Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2021йил 2-апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 5050-сонли қарори тасдиқланди. Бундан ташқари мамлакатимизда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2017 йил 18 апрель) «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2896-сон қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор бўйича Ички ишлар органларининг ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлиги:

*биринчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этишга;

*иккинчидан*, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этиш, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган фуқароларни қидиришга;

*учинчидан*, аҳоли билан унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалаларида тўғридан-тўғри очиқ мулоқотни йўлга қўйишга;

*тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишнинг амалий механизмларини жорий этишга қаратилган. Республика ҳудудида жорий йилнинг 6 оyi мобайнида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида қуйидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги **ПҚ-4075-сон қарори** талаблари асосида ҳар бир ҳудудда содир этилган жиноятлар бўйича кунлик тезкор маълумотларни ҳокимликларда кўриб чиқиш ва уларни барвақт олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш учун тақдим этиб бориш амалиёти йўлга

қўйилди.

Республика ҳудудларида жинойтчиликни жиловлаш бўйича янгича тизим асосида Ички ишлар вазири, Бош прокурори ва Миллий гвардия қўмондонига бириктирилиб, улар томонидан кундалик равишда бириктирилган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада ҳудудий ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик жараёнларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, жинойтчиликка қарши курашиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади[15].

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, улар ўртасидаги ҳамкорлик улар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгиловчи алоҳида низом ва йўриқномаларда белгиланади.

Хулоса ўрнига таъкидлаш жоизки, Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, *биринчидан*, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, *иккинчидан*, ҳамкорлик бўйича Ички ишлар органларининг асосий вазифаларини белгилаб, жумладан уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Профилактика инспекторлари асосан ўз фаолиятини суд органлари, прокуратура органлари, солиқ органлари, божхона органлари ҳамда миллий хавфсизлик хизмати органлари каби ҲМҚО органлари билан ҳамкорликда олиб боради.
2. “Ўзбекистон”, НМИУ, 2014
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги “Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.
4. Изоҳ: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни 6-моддасига кўра, агар профилактика инспекторларини жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш, қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, бундай ахборотлар чеклаб қўйилади.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №19. – 209-м.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ягвардаги
7. «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ 5308-сон Фармони билан тасдиқланган.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20. – 221-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида кўрсатилган ваколатлар.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида кўрсатилган ваколатлар.
11. Тадқиқотчи томонидан 2021 йил 12 ойи давомида республикада ҳуқуқбузарликларни олдини олиш йўналиши бўйича Ички ишлар вазирлигининг маълумотларидан фойдаланилган.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6196-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
14. Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 4 январдаги 2 (6696)-сонида эълон қилинган.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6196-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
17. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 6 июндаги “Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуққий қужжатларни тайёрлаш, келишиш ва қабул қилиш қоидалари тўғрисида”ги 76-сон буйруғи бўйича (қарор, буйруқ ва фармойиш).
18. Кушбаков Д. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишлари, шакл ва усуллари //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 91-95.
19. Кушбаков Д. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш мақсади ҳамда моҳияти //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 7. – С. 239-243.